

Ўзбекистон Республикаси Номидан
Ҳ У К М

2019 йил [REDACTED] ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди очик сайёр суд мажлисида, Тоштуғузок махалла фуқаролар йиғини биносида
Раислик қилувчи: Х.Акбаров

Судья ёрдамчиси Н.Артикбаева, томонлардан давлат айбловчиси Юқоричирчиқ туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Зияевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган [REDACTED] га нисбатан №1-66/19-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] йилда Юқоричирчиқ туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Чирчиқ тиббиёт коллежи талабаси, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Юқоричирчиқ тумани, Саксонота худуди, Тоштуғузок махалласи, [REDACTED] да истиқомат қилади, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини нусхасини 2019 йил 13 май куни олган.

Суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг конуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб ҳамда мазкур жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED], 2019 йил 27 март куни соат тахминан 21.00ларда шизига тегишли бўлган «Лада Нива» русумли 10 L 376 RA давлат рақамли автомашинасини Юқоричирчиқ тумани худудидан ўтган «Чирчиқ-Янгибозор-Ўртасарой» автомобил йўлининг 35-километри бўйлаб, Янгибозор кўрғони томонидан Чирчиқ йўналишида бошқариб кетаётиб, амалдаги йўл харакати қоидаларининг 135-яъни, кўзи қамашган хайдовчи фалокат ёруғлик ишораларини ёқиши, харакатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи кераклиги кўрсатилган банди ва 77-банди, яъни хайдовчи харакатнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг хусусияти ҳамда холатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, харакатланиш йўналишидаги кўринишни хисобга олган холда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Харакатланишда хайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа харакат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриш кераклиги кўрсатилган банди талабларини кўпол равишда бузиб, хайдовчига нисбатан йўлнинг чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган пиёда 01.04.1954 йилда туғилган [REDACTED] ни автомашинаси олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида, фуқаро Н.А.Ахмеджанова тан жароҳатлари билан Юқоричирчиқ ТТБ жонлантириш бўлимида вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2019 йил 9 апрель кунидаги 47-Т сонли хулосасига кўра, марҳум [REDACTED] нинг баданида йўл транспорт ҳодисасига хос бўлган ҳаёт учун хавфли тан жароҳатлари борлиги ва ушбу

жароҳатлар унинг ўлимига олиб келганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED], ўзайбига тўлиқ иқрор эканлигини билдириб қуйидагича, яъни ҳозирги кунда ўзига тегишли “Лада Нива” русумли давлат рақами 10 L 376 PA булган автомашинани тахминан бир йилдан бери бошқариб келишини, бошқарувида бўлган Нива русумли давлат рақами 10L376PAбулганавтомашинани 2019 йил 27 март куни эрталаб соат тахминан 07:30ларда уйдан чиқиб куни билан ўз ишлари билан юрганлигини, Юқоричирчиқ тумани Саксонота худуди Тоштуғизоқ маҳалласига қайтиб кетаётган вақтида соат тахминан 20:30ларда Янгибозор кўрғонига келганлигини ва Чирчиқ томонга қайрилиш жойидан қайрилиб тўйхонага яқинлашган вақтида автомашинани тезлиги тахминан соатига 40 км атрофида эди, автомашинанинг ҳаракатни ошириш мосламаси иккинчи ҳаракат тезлиги мосламасида ҳаракатланиб кетаётганлигини, қарама-қарши томондан келаётган автомашиналарнинг чироқлари кўзини қамаштирганлигини, бундан ташқари тўйхонанинг чироқлари ҳам кўзини қамаштирганлигини, шунда ҳаракатни давом эттириб, тахминан 2-3 секунд ичида, олдинга 8-10 метр масофа юрганида, қарама қарши томондан келаётган машина ҳали ҳам узокни ёритувчи чироғини ёқиб у томонга ҳаракатланиб келаётганлигини, шу пайт машинасида 5 метрча олдинда бир аравани итариб, йўлни ўнг томонига кесиб ўтаётган аёлни кўриб қолганлигини, у аёл ўртача тезликда юриб ўтаётган эди, бу аёлни кўрган вақти, аёл машинаси тўғрисида бўлганлигини, шунда у машинаси рулини дархол чапга буриб юборганлигини, тормоз босишга улгурмаганлигини, шунда машинани олд ўнг томон бурчаги билан аёлни уриб юборганлигини, кейин тормоз босиб, воқеа жойидан 15-20 метр масофа ўтиб, тўхтаб, аёлни олдига югуриб келганлигини, кейин бу аёлни кўтариб олиб машинани олди ўриндиғига ўтқазиб қизи билан бирга шифохонага олиб кетганлигини, у ерга олиб борганида у ерда шифокорлар биринчи ёрдам кўрсатишганлигини, эртасига пиёда аёлни вафот этганлигини шифохонада айтишганлигини ва бу аёлни исм шарифи [REDACTED] эканлигини билганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилига марҳумни маъракаларини ўтказишга тўлиқ ёрдам берганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] қуйидагиларни, яъни марҳум [REDACTED] онаси бўлганлигини, 2019 йил 27 март куни соат тахминан 21.00ларда ишда бўлган вақтида унга холасини келини Гулноза телефон қилиб, онасини машина уриб юборганлигини ва онаси касалхонада эканлигини айтганлигини, шундан сўнг зудлик билан ишдан чиқиб, тўғри Юқоричирчиқ тумани марказий касалхонасига борганлигини, касалхонада онасини Юқоричирчиқ тумани Саксонота маҳалласида яшовчи [REDACTED] исмли бола ўзини Нива русумли автомашинасида уриб юборганлигини билганлигини, онасига биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган вақтларида, онаси хушидан кетиб комага тушиб қолганлигини, эртасига 2019 йил 28 март куни эрталаб соат 07.40ларда онасини вафот этганлигини айтишганлигини, шу куни онаси экспертиза қилинган, маъракаларини ўтказиб дафн қилишганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йуқлигини билдириб, судланувчига нисбатан камок билан боғлиқ булмаган енгил жазо тайинлашликни суради.

Суд мажлисида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб ҳамда мазкур

жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, судланувчи Р.Эшов ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлсада, унинг жиноят содир этганликдаги айби суд мажлисида сўралган жабрланувчи қонуний вакилининг кўрсатувлари билан, шунингдек, жиноят ишига қўшилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баёномаси ҳамда унга илова қилинган чизма ва фотожадваллар (и.в.3-11), транспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси (и.в.13), судга оид тиббий экспертизаси хулосаси (и.в.35-42), ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Эшов томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан яъни транспорт воситалари ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, бунда фуқаро [] ни ўлимига сабаб бўлганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Эшовга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг судланувчига нисбатан даъвоси йуклигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модданинг санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашликни лозим топади.

Шунингдек, судланувчи Р.Эшов мазкур жиноятни транспорт воситасини бошқариб, улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари талабларини қўпол равишда содир қилганлик билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини эътиборга олиб, келгусида уни бу каби жиноятларни содир этишини олдини олиш мақсадида унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян муддатга барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазо чорасини қўллашликни лозим деб топади.

Шунингдек жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган моддий зарар бўйича туман прокуратураси томонидан киритилган даъво аризани судланувчи томонидан моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли қаноатлантормасликни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги №1-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-463, 465-468-моддалари талабларини раҳбарликка олиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

[], Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45,57-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 1 (бир) муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Р.Эшовнинг сутканинг 22.00 дан 06.00 гача бўлган вақтида яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

[]нинг зиммасига:

алкоголли ичимликлар истеъмол қиладиган ва кўнгилочар жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб, тавакалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳлар)га бормаслик; оммавий тадбирлар (байрам сайллари, намойишлар, митинглар)да иштирок этмаслик;

жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик кабиқўшимча чеклашлар юклансин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани ИИБнинг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Р.Эшовга агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича гаров тариқасида олинган “Лада Нива” русумли, 10 L 376 РАдавлат рақамли автомашина ҳужжатлари гаровга қўювчи Р.Эшовнинг ихтиёрида қолдирилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 10 сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка муддат ичида шу суд орқали, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанцияси судлов хайъатига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

Х.С.Акбаров